



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 109 (12.420)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ

БИР
КУНИ



Саноат

РАҚОБАТБАРДОШ МАҲСУЛОТЛАР КЎПАЙМОҚДА

Бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан бозор талаби ва харидор хоҳиш-истагидан келиб чиққан ҳолда импорт ўрнини босувчи товарлар ишлаб чиқарилмоқда.

Ана шундай маҳсулотлар ишлаб чиқараётган корхоналардан бири «Saida trans servis» масъулияти чекланган жамиятидир. Юнусобод туманида фаолият олиб бораётган мазкур жамиятда бугунги кунда катталар ва ўсмирлар учун мўлжалланган 60 хилдан зиёд трикотаж маҳсулотлари тайёрланаётди.

Фаолиятини 2010 йилда ўнга яқин ишчи билан бошлаган «Saida trans servis»да ҳозирги кунда 40 нафарга яқин кўли гул чеварлар меҳнат қилмоқда.

— Иш бошлаган вақтларимиз бирмунча қийинчиликларга дуч келган эдик, — дейди корхона раҳбари Шариф Исаков. — 2011 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши биз учун жуда кўл келди. Биз яратилган имкониятлардан фойдаланиб, маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтиришга эриш-

Кейинги пайтларда мамлакатимизда енгил саноат корхоналарини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қўлай шарт-шароитлар яратилмоқда. Бунинг натижасида соҳада ишлаб чиқариш ривожланиб, сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар кўпайиб бормоқда.

дик. Ишларимиз йилдан йилга ривожланиб бормоқда. Айни кунда ойига уч мингдан зиёд тайёр маҳсулот чиқармоқдамиз. Жорий йилда ишлаб чиқариш қўламини 20-30 фоизгача кўпайтиришни мўлжаллаганмиз.

Корхона раҳбари айтганидек, режалаштирилган ишлар амалга ошиб, маҳсулот ҳажми кўпайтирилса табиийки, ишчи кучи ҳам ортади. Бу эса яна бир нечта аёлни иш билан банд бўлишини таъминлайди. Натижада уларнинг оиласининг даромади ошиб, турмуши фаровонлашади.

Бу ердаги замонавий тикув машиналарида асосан аёллар меҳнат қилади. Ишчи-ҳодимлар учун қўлай шарт-шароитлар яратилган. Тушликда иссиқ овқат ва иш кийими билан таъминланган. Чеварлар учун яна бир

қўлай томони — уларнинг уйлари корхона ён-атрофидаги маҳаллаларда жойлашганлиги боис уйдан узоқлашмаган ҳолда ишлашга имкон яратади.

«Saida trans servis» жамоаси ўтган йиллар мобайнида шаҳримизда ташкил этилган кўргазмалар ва республика миқёсидаги кўрик-танловларда иштирок этиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Хусусан «Ташаббус-2013» да «Йилнинг энг яхши тадбиркори» номиначисига бўйича диплом билан тақдирланди.

Корхонанинг олдига қўйган энг катта мақсадларидан бири — яқин келажакда ўз маҳсулотлари экспортини йўлга қўйишдир.

Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмомов
олган сурат

Яқинда Германиянинг Рейнланд-Пфальц федерал ўлкаси маркази - Майнц шаҳрида «Ўзбекистон маданияти кечаси» бўлиб ўтди. У мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфуртдаги Бош консуллиги томонидан Майнц шаҳар университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилди.

МАЙНЦДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ КЕЧАСИ

Тадбирда шаҳар маъмурияти раҳбарлари, хусусан, шаҳар бургомистри, Майнцнинг ижтимоий-сиёсий, илмий доиралари вакиллари, германиялик ва хорижлик талабалар ҳамда Майнц олий ўқув юртиларида тахсил кўраётган ўзбекистонлик талабалар ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этдилар.

Маданият кечаси катнашчилари Ўзбекистон — Германия алоқаларининг ривож, жумладан, таълим ва илм-фан соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик қўламлигини кенгайтириш истиқболлари ҳақидаги атрофича маълумотларга эга бўлишди. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат, юртимизда ёшларнинг давр талабларига мос билим олишларини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича умумэтироф этилган тамойил ва меъёрларга амал қилиш юзасидан олиб борилаётган ислохотларга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққан Майнц шаҳар маъмурияти ҳузуридаги Талабалар халқаро хизматининг раиси Матиас Грим дунё илм-фани ҳамда маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк мутафаккирларга бешик бўлган Ўзбекистонни кўна тарихга ва бой маданиятга эга диёр сифатида эътироф этди. Унинг фикрича, Майнц шаҳар олий ўқув юртиларида таълим олаётган ўзбекистонлик талабаларнинг билим олишга нисбатан кучли иштиёқлари мамлакатимизнинг интеллектуал салоҳияти қанчалик юқори эканлигидан далолат беради. М.Грим «Ўзбекистон маданияти кечаси» сингари тадбирлар Германия жамоатчилигининг Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини бойитишга ҳамда Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги дўстона муносабатларнинг янада мустаҳкамланишига салмоқли ҳисса қўлишини таъкидлади.

Йоганн Гуттенберг номидаги Майнц университетининг магистратура бўлими бошлиғи Марцион Грейн ўз чиқишида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтини билан олиб борилаётган ўзаро ҳамкорлик ва тажриба алмашишга доир масалаларга атрофича тўхталиди. М.Грейн жорий йилнинг апрелида «Salonlowe Verlag» илмий нашриёти томонидан Германия ва Ўзбекистон профессор-ўқитувчилари ҳаммуаллифлигида чоп этилган «Ўзбекистон мисолида немис тилини ўқитишдаги янги услубий ёндошувлар» номли ўқув-услубий қўллан-

манинг нашр этилганини таълим жабҳасидаги икки томонлама самарали ҳамкорликнинг натижаларидан бири сифатида тилга олди.

Тадбир чоғида халқимизнинг бой тарихи ва маданияти, ўзбек олимларининг жаҳон илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатимизнинг замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳақида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистонга хуш келибсиз» номли ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилди.

Кеча ўзбек халқ рақс санъати намуналаридан иборат маданий дастур намойиши ҳамда ўзбек миллий таомларининг тақдими билан аяқланди.

«Жаҳон» ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида тадбирдан орттирган ўз таассуротларини ўртоқлашар экан, Майнц шаҳар бургомистри Гюнтер Бек кучли ижтимоий сиёсат юритиш тараққиётининг «Ўзбек модели»га хос бўлган асосий тамойиллардан бири эканлигини ҳамда бу йўналишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар ўз самараларини бераётганини қайд этди.

— Бўлиб ўтган тадбир республикада болалар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги янги маълумотларга эга бўлиш имконини ҳам берди, — деди у. — Мамлакатимиз бу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат олиб бораётганини қўллаб-қувватлаймиз. Хусусан, Халқаро меҳнат ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган Ўзбекистон 1992 йилдан буён ушбу халқаро ташкилотнинг 13 та конвенциясини ратификация қилгани алоҳида эътиборга моликдир. Бугунги тадбир шахримиз аҳолиси ва меҳмонларини, Майнцдаги олий ўқув юртиларининг ўқитувчи ва талабаларини ўзбек халқининг ранг-баранг маданияти ва меҳмондўстлиги билан яқиндан таништирди.

Бўлиб ўтган маданият кечасининг тафсилотлари «Salonlowe Verlag» нашриёти веб-сайтида чоп этилган «Нотанишлар дўстларга айланмоқда — Майнцда Ўзбекистон маданияти кечаси» сарлавҳали мақолада ўз аксини топди. Унда «ажойиб миллий концерт дастури билан бирга Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳам намойиш этилгани, шунингдек, кеча меҳмонлари ўзбек миллий таомларидан баҳраманд бўлишгани ва ушбу дўстлик байрами иштирокчиларда илқ таассуротлар қолдиргани» эътироф этилган.

«Жаҳон» АА

ва жамиятимизнинг доимий эътибориди эканини таъкидлади.

«Sen yolg'iz emassan» Республика жамоатчилиқ болалар жамғармаси ота-она меҳридан бебаҳра қолган, алоҳида эҳтиёжли болаларнинг таълим-тарбия олишига, ўз қизиқиши ва лаёқати, интилиши бўйича касб-хунар эгаллашига, таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олинишига, жамиятга интеграциялашувига яқиндан қўмаклашиб келмоқда.

«Хар бир болага меҳр, эътибор!» махсус ҳафталиги доирасида ўтказилган хайрия акциялари, бадий кўргазмалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ўртасидаги спартакиадалар кичкинтойларнинг иқтидорини кашф этиш, эстетик дидини юксалтириш, уларда қатъият, ўзига ишонч, мустаҳкам ирода каби фазилатларни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этди. Касблар ярмаркасида махсус тарбия муассасаларида вояга етаётган болаларга ўрта махсус таълим масканлари, улардаги йўналиш ва ихтисослиқлар, касбларнинг ўзига хослиги ҳақида атрофича маълумот берилди.

(Давоми 2-бетда)

суҳбати ташкил этилади.

✓ **КЕЧА** Учтепа туманидаги «Боғишамол» истироҳат боғида имконияти чекланган болалар учун байрам тадбири уюштирилди.

ҚИСКА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси ИИБ Ёнгин хавфсизлиги олий техника мактабида

«Ўзбекистон Республикасида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишнинг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Бектемир туманидаги «Роҳат» ва «Миршкор» маҳаллаларида одам савдоси муаммоларига бағишланган «Қулликка тушиб қолманг» мавзусида давра



МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди.

• Самарқанд шаҳрида «Ҳамшира — 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Самарқанд вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳамширалар ассоциацияси томонидан бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда танловнинг туман, шаҳар босқичида муваффақият қозongan ҳамширалар ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

• Нукус шаҳрида одам савдосига қарши курашиш борасида олиб борилаётган ишлар самарадорлигини оширишга бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятининг одам савдосига қарши курашиш бўйича шаҳар ва туманлар идоралараро комиссиялари масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

• Фарғона вилояти деҳқонлари жорий йилда 111,7 минг гектар майдонда галла парваришламоқда. Ҳосилни нобуд қилмай йиғиштириб олиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Фурқат туманида ўтказилган кўргазмали семинар ана шу масалага бағишланди.

ЖАҲОНДА

• Голландиядаги фермаларнинг бирида парранда гриппи мавжудлиги аниқланди. Эпидемиологлар фермадаги барча ўн бир мингта товуқни йўқ қиладилар. Бугунги кунда ушбу ферма атрофидаги бир километрдаги ҳудудлар ўраб қўйилган. Шунингдек, минтақадаги яна ўн битта фермада текширув ишлари олиб борилади. Таъкидлаш жоизки, Голландияда парранда гриппининг энг йирик қўламда тарқалиши 2003 йилда кузатилган бўлиб, ўшанда ўттиз миллионга паррандани йўқ қилишга тўғри келган эди. БМТ мутахассисларининг таъкидлашларича, Хитой ва Вьетнамда ҳам парранда гриппи кенг тарқалиши мумкин.

• АҚШ мутахассислари Шимолий Корея ўзининг Йонбенадаги бош ядро иншоотида плутоний ишлаб чиқаришни қайтадан бошлашга тайёрглигини таъкидлашди. Бу эса олти томонлама музокараларни қайта тиклашга уринишларни йўққа чиқариши мумкин.

• Мамлакат алоқа ва ахборот технологиялари вазири Али-Аббосовнинг маълум қилишича, жорий йилнинг охирига қадар Озарбойжонда телекўрсатувларни одатдаги тарзда узатиш тугатилиб, 2014 йил бошидан бошлаб, ушбу мамлакат рақамли телеузатиш тизимига тўлалигича ўтказилади.

• Кеча эрталаб Греция пойтахти Афина шаҳрида номаълум кишилар томонидан учта қўлбола бомба портлатилди. Ушбу террорчилик ҳаракати натижасида яраланганлар бор.

• Кеча террорчи-камикадзе томонидан Афғонистоннинг шарқий қисмидаги мактабларнинг бирида амалга оширилган портлаш натижасида ҳалок бўлганлар сони ўн беш кишига етди.



Кунни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари бўйича доимий комиссияси томонидан аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари ҳамда «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига биноан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш ва аҳоли томонидан белгиланган тартибларга риоя этилиши бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

ШАҲРИМИЗ ТОЗА ВА МУСАФФО БЎЛСИН

Маълумки, мустақиллик йилларида мамлакатимиз пойтахти — Тошкент шаҳрида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва аҳоли учун қўлай инфратузилмани яратиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Утган қисқа давр ичида пойтахтимиз йирик мегаполис шаҳарлардан бирига айланди. Замонавий янги мавзёлар, муқташам иншоотлар, кўп қаватли ва яқка тартибдаги уй-жойлар бунёд этилди. Узлуксиз олиб борилаётган кенг қамровли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб келмоқда.

Шаҳарни тоза ва мусаффо тутиш, бу борада замон талабларига мос мустахкам тизимни яратиш, экологик муҳитни муттасил соғломлаштириш бориш шу кўннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонунига биноан Тошкент шаҳрида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш ва аҳоли томонидан белгиланган тартибларга риоя этиш бўйича «Ўзкоммунахизмат» агентлиги, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, Худудий коммунал фойдаланиш бошқармаси ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан ўз ваколатлари доирасида бир қатор амалий вазифалар бажариб келинмоқда.

Тошкент шаҳрининг умумий экологик вазиятига кўп ҳажмдаги саноат ва маиший чиқиндилар катта таъсир кўрсатади. Бундай салбий ҳолат юзга келишининг олдини олиш мақсадида аҳолидан маиший чиқиндиларни ташкиллашти-

рилган ҳолда йиғиш учун турар жойлар мавзёларининг худудларида махсус пунктлар барпо этиш ишлари олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳрида санитария-эпидемиологик вазиятни янада яхшилаш, маҳаллалар, турар жой бинолари жойлашган мавзёларда амалга оширилаётган ободонлаштириш тадбирлари устидан назоратни кўчатириш борасида шаҳар худудидидаги 476 та маҳаллаларга туман ДСЭНМларидан 555 нафар мутахассислар бириктириб қўйилган. Бириктирилган мутахассислар томонидан аҳоли яшайдиган мавзёлар, маҳаллалардан кўндалик маиший ва бошқа турдаги чиқиндиларни ўз вақтида олиб чиқиш кетилиши, фуқаролар томонидан белгиланмаган жойларга чиқиндиларни ташлаш ҳолатининг олдини олиш ишлари мунтазам назорат қилинмоқда.

Аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида тенг рақобатга замин яратилиб, маҳаллалар худудидида хизмат кўрсатаётган 43 та бошқарув компаниялари тасарруфига шу кун ҳолатига кўра 136 та маҳаллалар худуди бириктирилди.

Белгиланган чора-тадбирларга кўра «Махсустрас» ишлаб чиқариш бошқармаси томонидан «MAN» ва «Исусу» русумли 115 та махсус автомашиналар харид қилиниб, туман автокорхоналари тасарруфига ўтказилди.

Шу билан бир қаторда давра суҳбати чоғида Тошкент шаҳрида чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетиш, бу борадаги вазифаларни мундарида бажариб бориш ҳамда замонавий таомиллардан фойдаланиш борасида салмоқли иш-

Доимий комиссияларда



лар амалга ошириб келинаёпти. Аҳолига сифатли хизмат кўрсатиш, қонун ижросини тўла-тўқис таъминлаш, бу ҳақдаги маданиятни ошириш учун тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш каби йўналишларни янада кўчатириш лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, давра суҳбати иштирокчилари томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 7 июлдаги «Тошкент шаҳрининг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва худудларда тозаланиш саклашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг амалдаги ижросига ҳам эътибор қаратилди.

Кун тартибидидаги масала юзасидан Тошкент шаҳар Кенгаши депутати У. Шойимқулов, «Махсустрас» ИБ директори ўринбосари И. Саидуллоев, Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари З. Аҳмедов, Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Б. Исабеков, шаҳар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди раисининг ўринбосари Ф. Муҳаммадхўжаев, Экоҳаракатнинг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Т. Азимов, «Камолот» ЁИХнинг шаҳар бўлими раиси Э. Шукуров, сиёсий партия вакиллари ҳамда доимий комиссия аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Давра суҳбати якунига кўра, жойларда юқоридаги қонун ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш, мавжуд камчиликларни бартараф этиш ҳамда аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини бундан-да кўчатириш борасида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган «Биргаликда обод турмуш ва обод Ватан яратамиз» иншоолар танлови, викториналар, ижодий кўрик-танловлар, фестиваллар, концертлар, фотокурғазмалар ҳафталигининг янада шуқули ва унутилмас таассуротларга бой тарзда ўтишига хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва ҳамкор ташкилотлар билан бирга Хоразм вилоятидаги шифо масканларида «Болаларга табассум ҳада эдинг!» хайрия акцияси ўтказилди. Тадбир давомида пластик жарроҳлар, анестезиологлар, педиатрлардан иборат махсус гуруҳ 200 нафардан ортиқ болани ихтисослаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди. Оғир патологияли 50 нафар болага зарур тиббий-жарроҳлик муолажаси кўрсатиладиган бўлди.

Болалар кўнига бағишланган ҳафталик тадбирлари учун туркум расмлар чиздик, иншоолар ёздиқ, куй-қўшиқлар тайёрладик, ижодий викториналарда қатнашиб, совринли ўринларга сазовор бўлдик, — дейди ЎЗА муҳбирига Чирчик шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Навруза Актамова. — Жонажон Ватанимиз, Президентимизнинг бизга кўрсатаётган меҳр-эътиборини доимий ҳис этиб, вояга етгандимиз. Аъло ўқиб, келажакда халқимизга муносиб фарзанд бўлиш бизнинг бурчимиздир.

Байрам концертида халқаро фестивал ва танловларда голиб бўлган ёш ижрочилар, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари иштирокидаги катта мусякали дастур намоиши этилди.

Назкат УСМОНОВА

ОРОМҒОҲЛАР БОЛАЖОНЛАРНИ БАҒРИГА ЧОРЛАЙДИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан болаларни сифатли соғломлаштириш имкониятларини янада кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишлар муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгашининг масъул ходимлари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, республика ва хорижий ахборот агентликлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Мамлакатимизда 2011 йилдан бошлаб болаларни ёзги соғломлаштириш ишларига тизимли янги-ча ёндашув амалга киритилди. Қувонарлиси, шу тарихда болалар оромгоҳлари фақатгина жисмоний соғломлаштириш марказлари сифатида эмас, балки болаларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий-интеллектуал ривожлантириш масканига айланди.

Республика оромгоҳларида болаларнинг дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш концепциясининг қабул қилиниши мазкур йўналишдаги ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш имконини берди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева. — Хусусан, концепция болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришнинг мукамал тизимини яратиш, бу йўналишдаги ишларни комплекс тарзда олиб бориш имконини берди. Жорий йилда республикамиз бўйича 1000 та болалар оромгоҳлари фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, 210 та стационар турдаги, 790 та кундузги, яъни, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари қошидаги оромгоҳлар, шу жумладан, 50 та Меҳнат ва дам олдириш оромгоҳлари фаолият кўрсатади. Уларда мавсум давомида 270 минг 350 нафардан ортиқ ўғил-қиз дам олдирилиб, соғломлаштирилди. Бу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан 10 минг нафарга ортқидир.

Давлатимиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлари тарбияланувчилари, жисмоний имконияти чекланган болаларни имтиёзли соғломлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Анжуман давомида «Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда маҳаллаларда истиқомат қилаётган ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларидан 600 нафар ўғил-қиз имтиёзли асосларда, бундан ташқари анаъанавий равишда 4,5 минг нафар Оролбўйи болалари бепул соғломлаштирилиши ҳақида айтиб ўтилди. Оромгоҳларда турли йўналишлардаги тўғарақлар иш олиб бориши айна мудидадир. Жорий йилдан бошлаб оромгоҳлар иш дастурига илк бор хорижий тилларни ўргатиш бўйича махсус тўғарақлар фаолияти киритилди.

Иштирокчиларга маданий тадбирлар сифатини ошириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилгани, унга мувофиқ республикамизнинг ҳар бир худудидида фаолият кўрсатувчи болалар оромгоҳларига таниқли санъаткорлар, «Нихол» мукофоти совриндорлари, ёш ижрочилар ташриф буюриши ҳақида маълумотлар берилди. Оромгоҳларда ташкил этиладиган «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Ўзбекистон — бахтиёр болалар мамлакатини», «Касаба уюшмалари — болаларга» каби акциялар, кўрик-танловлар, баддий кўргазмалар, спорт мусобақалари ҳар бир бола онига ватанпарварлик, эл-юрта садоқат, меҳр-оқибат тушунарларининг синдирилишига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан мамлакатимиз автомобил йўлларинининг бугунги аҳволи ва уларни ривожлантириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди, дея хабар беради ЎЗА.

ЙЎЛЛАР ЯНАДА РАВОНЛАШМОҚДА

Автомобиль йўллари иқтисодий ўсиш, миллий иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлиғи ва аҳоли турмуш сифатини янада ошириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда инфратузилмани, транспорт ва коммуникация қурилишини ривожлантиришнинг жадаллаштириш тўғрисида»ги Қароридида соҳанинг янги йўналишлари белгилаб берилган.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси расисининг ўринбосари Ш. Назаров мазкур компания тегишли вазирлик ва идоралар, шунингдек, жойлардаги ҳокимликлар билан ҳамкорликда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, йўл инфратузилмасини ривожлантиришга доир ишларни амалга ошираётганини таъкидлади. Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига қирадиган 59 километрлик тўлиқ реконструкция қилинган тўрт полосоли автомобиль йўл бунга мисолдир. Қорақалпоғистон Республикаси худудидан ўтадиган узунлиги 21 километрлик халқаро аҳамиятга эга А-380 Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов участкаси, Самарқанд ва Бухоро вилоятлари худудидан ўтадиган 4 километрлик А-378 автомобиль йўли ва бошқа участкалар шулар жумласидан.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 31 декабрда қабул қилинган «Умумий фойдаланиладиган автомобил йўлларини таъмирлаш ва сақлаш ишлари таснифига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ўзавтойўл» компанияси тасарруфига қирадиган қорхоналар томонидан йил давомида умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида фойдаланиш, транспорт воситаларининг узлуксиз ҳамда хавфсиз ҳаракатини таъминлашга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларида транспорт воситаларининг йил давомида хавфсиз ҳаракатини таъминлаш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида жорий йилнинг беш ойида узунлиги қарийб 950 километр йўл таъмирланди.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси томонидан 2015 йилгача Ўзбекистон миллий автомагистрალი таркибига қирадиган яна 1487 километр йўлни қуриш, реконструкция қилиш ва тўрт полосога ўтказиш, йўлларни тегишли ҳолатда сақлаш учун қўшимча техника ҳамда ускуналар сотиб олиш, йўл-қурилиш ва таъмирлаш қорхоналарининг ишлаб чиқариш, саноат базаларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Меҳрибон МАМЕТОВА

ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ВА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Мамлакатимизда бизнесни юритиш жараёнини либераллаштириш, соддалаштириш, арзонлаштириш ва очиклигини таъминлаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги бунда муҳим аҳамиятга эга. Шу боис мазкур субъектларнинг ижтимоий шериклик фаолиятига оид қонунчилик такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ижтимоий шерикликни ташкил этиш масалаларига бағишланган видеоконференцияда шулар ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда Бош прокуратура ҳузуридаги Олий ўқув қуруслари тингловчилари, «Ўзбекистон Бизнес-форуми» лойиҳаси вакиллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва омма-

вий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий ўқув қуруслари бошлиғи Т. Умаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ижтимоий ҳамкорлик мустаҳкамланаётгани жамият барқарорлиги, турмушимиз ободлигида муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бу жараёнда Савдо-саноат палатаси ва проку-

ратура органлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга ҳуқуқий маслаҳат ва ахборот кўмаги кўрсатиш борасидаги ишлар кўлими янада кенгаймоқда.

Тадбирда тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилишга оид қонунлар мазмун-моҳияти ва ижроси билан боғлиқ масалалар, прокуратура органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлар билан ҳамкорлигига оид маърузалар тингланди.

Н. АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

Шаҳримизда суд экспертизасининг замонавий имкониятлари йўналишида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги муҳим масалаларга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИЯТЛАРИ

Анжуманда замонавий шароитларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва судлар фаолиятида фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш жиноятларни тезкорлик билан очишга ёрдам бериши таъкидланди. Бу ютуқларни соҳага таъбиқ этилишининг аҳолига турлича, улар ичида суд экспертизаси муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда суд экспертизасининг энг йирик муассасаларидан бири — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Хадича Сулаймонова номи Республика суд экспертизаси маркази ва унинг саккизта минтақавий бўлимлари ҳисобланади. Малакали кадрларга эга бўлган марказ ҳар хил турдаги экспертизаларни юқори савияда ўтказиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жиноятларни очишда зарур ёрдамни бериб келмоқда.

Истиқлол йилларида марказда бир қатор янги турдаги экспертизаларни ўтказиш ташкил қилинди. Жумладан, муассасада тўқсонинчи йиллар бошида 37 та мутахассислик бўйича экспертиза тадқиқотлари ўтказилган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 54 тани ташкил қилади.

Сўнгги йилларда тезкор-тергов ишининг объектив ҳолатларини аниқлашда суд экспертизасининг аҳамияти ошиб бормоқда. Суд экспертизаси ҳулосаси илмий текширилган маълумотларга асосланган бўлиб, тергов натижаларининг объективлиги ва ишончилигини таъминлайди, шунингдек, далилларни йиғиш жараёни субъектив ҳолатларнинг таъсирини камайтиради.

Маълумки, кейинги пайтларда экспертиза хизматини замонавий криминалистика техникаси ва аналитик уску-

налар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай замонавий ускуналар хатшунослик, трасология ва металлшунослик каби экспертизаларни ўтказишда нафақат амалий, балки назарий масалаларни ҳал этишга ҳам имкон яратмоқда.

Қимматбаҳо қоғозлар ва махсус ҳимоя воситаларига эга бўлган ҳужжатларни, таркиби ўзгартirilган наркотик воситаларни, психотроп препаратлар ва портловчи моддаларни текшириш имкониятлари кенгайди. Қурилиш-техникавий, автотехника экспертизалари бўйича самарадорлик оширилди. Айниқса, товаршунослик, ер, айрим озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизасининг ташкил қилиниши экспертиза масалалари доирасини янада кенгайтирди.

Анжуманда марказнинг минтақавий тузилмалари фаолиятини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам атрафлича маълумот берилди. Бугунги кунда худудий бўлимларда ўтказилаётган экспертизалар сони мунтазам ўсиб бормоқда.

Тадбирда шунингдек, суд экспертизаси соҳасида ўтказилаётган илмий тадқиқотларнинг йўналиши, суд экспертизасининг ҳуқуқий муаммолари бўйича тадқиқотлар, одам ДНКси суд-биологик экспертизаси ҳамда ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий, экологик, сиёсатшунослик-лингвистик, филологик экспертизалари бўйича амалга оширилиши режалаштирилган янги йўналишлар ҳақида иштирокчиларнинг саволларига атрафлича жавоб қайтарилди.

Абдували СОДИКОВ

Мустақиллик йилларида ўзбек дзюдочилари спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси – Олимпия ўйинларида тўртта медални қўлга киритди. Бу мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни, жумладан, дзюдони ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самараларидандир. Дзюдочиларимиз навбатдаги Олимпия ўйинларида янада юқори натижаларни қўлга киритишни мақсад қилган.

Ўзбекистон дзюдо федерацияси раиси Армен БАГДА-САРОВ бўлажак Олимпиадага тайёргарлик жараёни ҳақида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА муҳбирига қуйдагиларни сўзлаб берди.

– Лондонда ўтган XXX ёзи Олимпия ўйинларида олти дзюдочимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди, – дейди А.Багдасаров. – Икки қарра жаҳон чемпиони Ришод Собиров бронза медални қўлга киритди.

2012 йил ўзбек дзюдочилари учун анча омадли келди, деб айтиш мумкин. Франциянинг Париж шаҳрида ўтган «Катта дубулга» турнирида Ришод Собиров ва Дилшод Чориев олтин медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари, вакилларимиз «Мастерс» ва «Гран-при» туркумидаги кўплаб мусобақаларда ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Мамлакатимизда дзюдони ривожлантириш, моҳир спортчиларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган изчил ишларни ва замонавий шарт-шароитларни юқори баҳолаган Халқаро дзюдо федерацияси кўплаб нуфузли мусобақаларни Ўзбекистонда ўтказишни маълум қилмоқда. Жумладан, 2010-2012 йилларда Тошкент шаҳри икки бор жаҳон кубоги ва Осиё чемпионатида медалларни қўлга киритди, 2013-2016 йилларда ҳам «Гран-при» туркумидаги мусобақаларни ўтказиш белгилан қўйилгани Ўзбекистон жаҳоннинг етакчи спорт марказларидан бирига айланишидан далолатдир.

Бу каби мусобақаларнинг Ўзбекистонда ташкил этилиши дзюдонинг мамлакатимизда янада омаллашишига хизмат қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда 15 минг нафардан зиёд йигит-қиз дзюдо билан мунтазам шуғулланмоқда. Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимиздаги олимпия заҳиралари коллежларида ўғил-қизлар малакали мураббийлардан дзюдонинг сир-асорини пухта ўзлаштиришмоқда. Бу мамлакатимиз олимпия заҳирасини иктидорли ёшлар билан тўлдириб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзи Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарорига биноан мазкур Олимпиадага тайёргарлик ишлари изчилик билан давом эттирилмоқда.

Аввало, терма жамоамиз учун ёш, иктидорли спортчилар саралаб олинди, тайёргарлик ишлари янгилаш йўналишида йўлга қўйилди. Олимпиячилар заҳирасини шакллантириш, моҳиратли спортчилар, тажрибали мутахассис ва мураббий кадрларни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон дзюдо федерациясининг фаолияти ривожланиб, моддий-техник базаси янада мустаҳкамланмоқда.

Пойтахтимизда Осиё дзюдочиларни тайёрлаш марказининг очилгани спортчиларимиз учун яна бир қўлайлик бўлди. Бу ерда замонавий инвентарлар билан таъминланган икки

Қарор ва ижро

ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА АСОСИДА

зал, тренажёр зали, мини-футбол майдони, 42 кишига мўлжалланган меҳмонхона, ошхона, маъмурий бино мавжуд. Барча қўлайликка эга замонавий марказда ҳамюртларимиз билан бирга хориқлик дзюдочилар ҳам ўқув-машғулоти йиғинларини ўтказмоқда. Ўтган давр мобайнида бу ерда Австралия, Янги Зеландия, Молдова, Эрон, Кувайт ва Яман каби мамлакатлар дзюдочилари ҳам ўз маҳоратини оширдилар. Таъкидлаш жоизки, дзюдого ихтисослашган бундай марказ фақат Франция ва Жазирада бор, ҳолос. Бундан ташқари, дзюдо бўйича мамлакатимиз терма жамоаси Тошкент вилоятидаги «Кийе-гар» спорт базасида ҳам замонавий шароитлар асосида ўқув-машғулоти йиғинларини ўтказиш имкониятига эга.

Мамлакатимиз терма жамоасидан жой олиш, халқаро майдонларда Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун дзюдочилар ўртасида соғлом рақобат кучаймоқда. Ҳозир терма жамоадан ўрин олиш учун бир вазн тоифаси бўйича камидан уч-тўрт нафар иктидорли спортчи даъвогарлик қилмоқда. Буларнинг барчаси юртимизда болалар спортини ривожлантириш, жойларда, ҳатто чекка-чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотларини барпо этиб, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун етарли шароит яратилаётганининг самарасидир.

Яқинда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида, асосан, иккинчи таркиб спортчиларини синаб кўришга қарор қилдик. Қитъамизнинг ўттизга яқин мамлакатидан 200 нафардан зиёд дзюдочи қатнашган мусобақада Хуршид Набиев 90 килограмм вазн тоифасидаги бахсларда ҳиндистонлик Автар Сингх, қирғизистонлик Чингиз Мамедов ва хитойлик Жун Жангини мағлубиятга урғатиб, учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида Гулноза Матниёева вазни 70 килограммгача бўлган дзюдочилар баҳсида ливанлик Карен Чаммас ҳамда таиландлик Сураатана Тонгсри устидан соф ғалабага эришиб, Осиё чемпионатининг бронза медалига сазовор бўлди. Шу тариқа йил давомида ўтадиган халқаро турнирларда бошқа спортчиларимизни ҳам синаб кўриб, энг кучлиларини саралаб олаёلمиз.

Лондон Олимпиадасидан сўнг дзюдони янада ривожлантириш, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш, ҳакамлар ҳолисини ва беллашувларнинг томошабошлигини таъминлаш мақсадида халқаро дзюдо қоидаларига бир қанча ўзгаришлар киритилди. Жорий йилнинг январь ойида

Халқаро дзюдо федерацияси, Осиё дзюдо уюшмаси, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Дзюдо федерацияси томонидан пойтахтимизда ташкил этилган халқаро семинар ҳам ўшбу янгиликларни ўрганишга бағишланди. Осиё ва Океания минтақасининг йигирмадан зиёд давлатдан 80 нафарга яқин ҳакам ва мураббий иштирок этган мазкур семинарда дзюдонинг янги қоидаларини қўллаш билан боғлиқ кўплаб йўналишлар, жумладан, дзюдо беллашувларини баҳолаш, вазн ўлчаш, рейтинг очколарини ҳисоблаш каби масалалар таҳлил қилинди.

Жорий этилган янги қоидаларга қўра, бундан буён спортчилар мусобақадан бир кун олдин қўриқдан ўтказилади, кечки пайт вазн ўлчанади. Вақт чегирмаси – «голдэн скор» таомилдан чиқариб ташланди.

Катта спортда юқори натижага эришиш учун жисмоний куч ва техник тайёргарликдан ташқари, спорт тиббиётининг ҳам алоҳида ўрни бор. Чунки нуфузли мусобақага йиллаб тайёргарлик қўрган спортчи машғулотлар жараёнида кичик жараҳат олганда ёки бошқа ҳолатларда тиббиёт мутахассисларининг таърибаси муҳим аҳамият касб этади. Тиббиёт ходими спортчиларнинг иродасини мустаҳкамлаш, ғалабага интилишини қўлайлаштириш, допинг воситалари ҳақидаги билимини юксалтиришга хизмат қилади.

Буларнинг барчаси дзюдочиларимизни бўлажак мусобақаларга тайёрлашнинг муҳим жиҳатларидандир. Бу борада амалга оширилаётган ишлар йилдан йилга кўнайиб ва кенгайиб бораверди. Зеро, барча олимпиячиларимиз каби дзюдо усталари ҳам Олимпияга ва Осиё ўйинларига, жаҳон ва қитъа чемпионатларига давлатимиз байрогини баланд кўтаришни мақсад қилган.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ
ёзиб олди

Кўргазмалар

ФОТОСУРАТЛАР УЙИДА ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

Тошкент фотосуратлар уйида «Шанхай аёлининг ҳаётидан бир аjoyиб кун» фотокўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазма «Аёлларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий, маданий ҳаётидаги тўлақонли иштирокини кенгайтириш» Ўзбекистон таърибаси» Халқаро аёллар конференцияси доирасида бўлиб ўтди.

Анжуманда Шанхай аёллар федерацияси (ШАФ)нинг Цзяо Ян бошчилигидаги делегацияси иштирок этди. Бу ШАФнинг Ўзбекистонга илк таърифи эканлиги эътиборига олинди, таъбир доирасида «Шанхай аёлининг ҳаётидан бир аjoyиб кун» фотокўргазмасини ўтказишга қарор қилинди.

Ушбу кўргазмани уюштиришда «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси, Шанхай аёллар

федерацияси, Ўзбекистон бадиий академияси, «Аёллар кенгаши» РЖБ, Ижтимоий ташаббуслари қўллаб-қувватлаш фонди, «Ҳаёт учун!» кўкрак беги саратони Миллий уюшмаси ва Тошкент фотосуратлар уйи ташаббус қўрғашиди.

Кўргазма экспозициясидан профессионал ва хаваскор сураткашлар тасвирга туширган 100 та фотосуратлар жой олди. Энг яхши суратлар ШАФ ва Шанхай сураткашлар уюшмаси томонидан нашр этилган «Шанхай аёлининг ҳаётидан бир аjoyиб кун» фотоальбомига кирган.

Кўргазмадан ўрин олган санъат асарларининг маҳорат билан чизилгани ҳаммани лол қолдирди ва таъбир барчага манзур бўлди.

Шоҳсанам БЕРДИБЕКОВА

Яқинда Сергели туманидаги «Alfa Plastik» масъулияти чекланган жамияти корхонасида ўтказилган «Яшашнинг ўзи бахт» мавзусидаги тадбир ҳам шу мақсадда ташкил қилинди. Яъни, ҳодимларнинг ишдан кейинги дам олиш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиш мақсадида эл севган актёрлар билан ижодий учрашув уюштирилди.

Кечани «Alfa Plastik» масъулияти чекланган жамияти бош директори Отабек Орифжонов очар экан, ахдодлар хотираси, уларга бўлган эҳтиром, ёшларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат уйғотган ҳолда камолга етказиш ва шу билан бирга мустақиллик берган улкан неъматлар хусусида тўхталиб ўтди.

Шунингдек, тадбирда Ўзбекистон халқ артистлари Афзал Рафиқов, Дилбар Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат қўрган артист Шохид Узоқовлар саҳна асарлари асосида тайёрланган ижод намуналаридан парчалар ўқиб бердилар.

Жумладан, Афзал Рафиқовнинг буюк бобомиз Алишер Навоий ўғитлари, достонлари ва ҳикмати ибораларидан тўзилган шеърли мисраларни ифодали ва таъсирчан руҳда ўқиб бериши йиғилганларни ҳушуд этди.

Тадбир давомида актёрлар эл ардоғида бўлган ва қалбидан муносиб жой эгаллаган марҳум актёр ва актрисаларни ҳам эсга олишди ҳамда ҳаётнинг қадрига етиш, яхши яшаш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлигини таъкидлашди.

Дарҳақиқат, ҳаёт буюк бир неъмат. Ҳар бир инсон унинг қадрига етмоғи ва ундан унумли фойдалана билмоғи

Меҳнаткашларнинг маданий дам олиши нафақат уларнинг маънавий оламини теранлаштиради, балки ўз ишига, ишлаётган корхонасига бўлган меҳр-муҳаббатини янада оширади, сидқидилдан меҳнат қилишга қорлайди.

Тадбирлар

МАДАНИЙ ДАМ — САМАРАЛИ МЕҲНАТ НЕГИЗИ



лозим. Зеро, бу ҳаёт гулшанида яшамокнинг ўзи бир бахтдир. Тадбир сўнгидан ишчи, хизматчилар

ўларини қизиктирган саволларига агарофлича жавоб олдилар.

Гулчехра ДУРДИЕВА

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ойнинг ҳар биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй манзилида жойлашган бинода тадбиркор субъектларининг фаолиятига қўлай шароитлар яратиш мақсадида **«Очиқ эшиклар кун»** ўтказилишини маълум қилади.

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ

Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази жамоаси Гастроэнтерология бўлими грант раҳбари Дилрабо Абдуазизовна Абдуллаевнинг укаси **Сардор Абдуазизович АБДУЛЛАЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирди.

ҲУРМАТЛИ ЙЎЛОВЧИЛАР!

Йўловчи ташиш транспортидан фойдаланишда қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида

ер усти жамоат транспорти (шаҳар ичи автобус ва трамвай) йўналишларида йўлқира ҳақининг жетонлар орқали тўлаш тизими жорий этилди.

Жетонлар ойлик йўл чипталари сотиладиган барча шохобчаларда фақат **БАНК ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТЎЛОВ ТЕРМИНАЛЛАРИ** орқали сотилади.

Йўлқира ҳақининг тўланиши учун жетонлар нақд пуллар билан бир қаторда ҳайдовчи ва кондукторлар томонидан чипта бериб қабул қилиниши шарт.

Автобус ва трамвайларда ойлик йўл чипталаридан ҳамда бепул юриш ҳуқуқини берувчи гувоҳномалардан фойдаланиш сақланиб қолган.

“Йўловчитранссервис” маркази, тел.: 260-08-26, 260-14-06

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшонлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г - 641

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11837 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2

Тошпириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроиллов

Босишга тошпирилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Баш муҳаррир Акмал АҚРОМОВ

“ҚИБРАЙ”

клиник санаторийсидан саломатлигингизни тикланг!



Юрак-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган санаторий. Бу ерда таърибали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усулларини жорий қилиб, беморларни даволайдилар.

Сихатгоҳда сауна, бассейн, фитобар, теннис корти, бильярд каби кўплаб қўлайликлар мавжуд.

Ошхонада беш маҳал парҳез таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Санаторий манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўргони. Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатига бориш мумкин.

Телефонлар: (8-371) 286-02-00, 286-01-97, 286-01-46.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Олмазор академик лицейи томонидан 2011 йил 10 июнда Қодинова Муяссар Нуриддин қизи номига берилган 132-руйхат рақамли, L № 123085 сонли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ
Тошкент шаҳрида 5 июнь кунини ҳаво ўзгариб туради, қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалди-роқ бўлиши кутилмоқда. Фарбдан секундида 5-10 метр тезликда шомолни тезликда 1-3 фойз эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи — 33-35 даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 5 июнда Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиши даражаси 1-3 фойз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тағмиқдор ност бўлади.